

АЛИШЕР НАВОЙИ АСАРЛАРИДАГИ «МЕВА» СЎЗИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

М.С.Усманова – катта ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: мева, мевазор, фитоним, лексик-семантик хусусият, ўз ва кўча маъно, фонетик, грамматик, услубий, таҳлил.

Ключевые слова: фрукт, фруктовый сад, фитоним, лексико-семантический признак, собственное и переносное значение, фонетический, грамматический, методологический, анализ.

Key words: fruit, orchard, phytonym, lexical-semantic feature, own and figurative meaning, phonetic, grammatical, methodological, analysis.

Жаҳон тилшунослигида Навоий асарлари бўйича тадқиқотлар олиб боришда унинг асарлари тилини фонетик, лексик, грамматик, услубий, лисоний-концептуал хусусиятларини тадқиқ этишга, шоир асарларлари асосида изоҳли, частотали, конкорданс, комусий ва мавзуий лугатлар яратиш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳоннинг куйидаги илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида Алишер Навоийнинг асарлари адабиётшунослик ва лингвистик йўналишида ўрганилган: Навоийнинг Шарқ адабиётида тутган ўрни очиб берилган (Harvard University, Oxford University, University of Boon, Institut Francaise d'etude sur l'Asie centrele); Навоий ва шарқ ҳамсанавислик анъаналари ўрганилган (Ankara universitesi, Baki Dovlet Universiteti); Навоий асарлари тузилиши, сюжети, образларнинг поэтик хусусиятлари таҳлил қилинган (Slavic Research Centre of Hokkaido University, University of Tehran), Навоий даври муҳити ва шоир ҳаёти ўрганилган, унинг назмий, насрий, тарихий, илмий-назарий асарларининг адабий-эстетик хусусиятлари ёритилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети).

Алишер Навоий асарлари тафаккур гулшани бўлиш билан бирга, ғоят бой сўз хазинаси ҳамдир. Шоир асарларида ўзбек халқи турмуш тарзи ва дунёқарашининг барча соҳаларига оид сўз ва иборалар мавжуд. "...ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истикболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур"[1].

Ўзбек тилшунослигида турли соҳаларга доир сўз ва терминлар махсус ўрганилган бўлса-да, ўзбек адабий тили тарихининг тўлиқ шаклланиш даври ҳисобланган Алишер Навоий асарлари тилида фитонимларнинг қўлланилиши билан боғлиқ мукамал, умумлаштирилган лексикологик тадқиқотлар кўп эмас. Навоий асарлари тили лексик бойлигининг маълум қисмини ўсимликлар дунёсини акс эттирган сўзлар ташкил қилади.

Алишер Навоий асарлари тилида бир қанча дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзлар бўлиб, улар ўз (тўғри) маънода ҳам, кўча маъноларда ҳам ишлатилгани намоён бўлади. Бундан ташқари, унинг асарларида дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган бир нарса-ҳодисани бир неча хил сўз билан ифодалаш (масалан, *барг* – *варақ* – *яфрок*; *боғ* – *равза* – *ҳадиқа* – *боғча*; *шоҳ* – *шоҳа* – *шоҳсор* – *мунгуз* каби) ҳам мавжуд. Бундай ҳол, аввало, ўша нарса-ҳодисанинг доминант сўзга нисбатан ўзгача маъно кирраларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, иккинчидан, шеърий услубда ритм ва қофия талабини сақлаш аҳамиятига эга бўлган.

Дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзларнинг Алишер Навоий асарларида қўлланиш хусусиятлари боғ сўзида яққол намоён бўлган, чунки боғ сўзида «Мевали дарахт, ток ва гул билан банд ер майдони: мевазор»[6] маъноси мужассам.

1. **Боғ** – «боғ, мевазор» маъносида: Подшоҳ... Хурон тахтин олғандаким, «Жаҳоноро» боғи тархин солдилар. («ХМ», 698)

Бу сўз *боғу бўстон*, *боғу роғ* жуфт сўзлари таркибида ҳам «боғ» маъносида қўлланган: Соғиниб осудалиғ

бирла ватан, Боғу бўстон бирла гулзору чаман. («ЛТ», 36-10)

Боғ сўзи боғ аврақи ва *боғ гаит* туркий изофали бирикмалари таркибида бўлиб, бирикманинг «япроқлар» ва «боғ сайри» маъноларини юзага келтиришга хизмат қилган: (I, 32); (I, 325)

Бу сўз форсий изофали бирикмалар таркибида иштирок этиб, куйидаги тушунчаларни ҳосил қилишда қатнашган:

- а) боғи висол – «висол боғи» маъносида: (I, 325)
- б) боғи жаннат – «жаннат боғи, бўстон» маъносида: (I, 325);
- в) боғи заған – «Хирот кўчаларидан бирининг номи» (I, 325);
- г) боғи раҳмат – «раҳмат боғи» маъносида. (I, 325);
- д) боғи ризвон – «жаннат» маъносида: (I, 325);
- ж) боғи Сафед – «Хиротдаги боғлардан бирининг номи» (I, 325)
- з) боғи Эрам – «афсонавий жаннатбоғи» (I, 325);
- и) боғи умид – «орзу-тилак», «умид боғи» маъноси (I, 325)

2. **Боғча** – «кичик боғ» маъносида: (Дарвеш Хожига) таъйин қилдимки, ... ул боғчага раёҳин ва ашжор эккай. («ХМ», 697)

3. **Равза** – «боғ, боғча (кичик боғ)» маъносида (II, 591)

Бу сўз *равза бўстони* туркий изофаси таркибида ҳам «боғ» маъносини англатади (II, 591)

Равза сўзи куйидаги кўча маъноларда қўлланган:

- а) «жаннат» (II, 591)
 - б) «мозор, зиёратгоҳ» (II, 591);
 - в) «боб, бўлим, фасл» (II, 592)
- Бу сўз бир неча форсий изофали бирикмалар ҳосил қилишда қатнашиб, бирикмаларнинг куйидаги тушунчаларини юзага келтирган:
- а) равзай ҳулд – «доимий жаннат», хазон бўлмас боғ» (II, 592)
 - б) равзай фирдавс – «жаннат боғи» (II, 592);
 - в) равзай ризвон – «жаннат боғлари»;
 - г) равзай жинон – «жаннат боғлари»: (II, 592);
 - д) равзай дорул-бағо – «жаннат боғи»
 - ж) равзай жон – «жон боғи (гулшани)»: (II, 592);
 - з) равзай руҳафзо – «жонбахш жой», «кўнгил очувчи боғ» (II, 592);
 - и) равзай назм – «шеърийат боғи» (II, 592)

Бу сўз воситасида ясалган *равзамонанд* «жаннатга ўхшаш боғ» маъносини ифодалаган: Назоҳат келиб равзамонанд анга («СИ», 1654)

4. **Ҳадиқа** – «боғ» маъносида: Ва бу мазраа ва ҳадиқа маҳсулини фунун касбида сарф қилган. («В», XIII-159)

Бу сўз ҳадиқаи пургул форсий изофали бирикмасида ҳам «боғ, гулзор» маъносида қўлланган: Ушбу ҳадиқаи пургул («СС», 902)

Араб тилидаги кўплик шакли – *ҳадоийқ* шоир тилида ҳам кўплик («боғлар», «гулзорлар») маъносидадир: Ҳадоик жониби тушса гузоринг. («ФШ», 193)

5. **Бўстон** – «боғ, гулзор, чаманзор» маъносида: Не бўстон ки сайр ичра мавжуд эди («СИ», 243a11)

Бу сўз асосида ясалган *бўстонсаро* «боғда, чаманда сайровчи» маъносида қўлланган:

Бу гулшан булбулу бўстон саройи,

Дема бўстонсаро, дostonсаройи. («ФШ», 217)

Алишер Навоий асарларида дарахтли жой (боғ)ни маълум дарахтга хослиги (махсус боғлиги) нуктаи назаридан атайдиган сўзлар ҳам бор. Улар, худди ҳозирги ўзбек тилидагидек, асосан *-истон* кўшимчаси билан ясалган: *нахлистон, сарвистон* каби: Нечукким сабза сарвистон ичинда. («ФШ», 98)

Ҳозирги ўзбек тилидаги *мева* сўзи Алишер Навоий асарларида бор, лекин бу сўз маъноси учун бошқа бир неча сўзлар ҳам қўлланган:

1. **Мева** – «дарахт меваси, ҳосили»:

Топмасанг давр ахлидин меҳру вафо айб этмаким,

Бутмамиш бу мева даврон боғининг ашжорида.

(«ХМ», Iа-84)

Бу сўз «натижа, ҳосил» кўчма маъносида ҳам қўлланган: Илму адаб мевасидин борвар. («ХА», 168-6)

2. **Фокиҳа** – «мева, ҳосил»

..ва бу ширин мева вилоят боғи шажарасидин бўлғай ва бу лазиз фокиҳа ҳидоят шажарасининг самараси бўлғай. («МБ», 90)

3. **Фавокиҳ** – «мевалар, самара-натижалар»: Ашжорининг ҳар бири чархи аҳзар, ул шажар ва раёхин фавокиҳи нужум ва ахтар. («МК», 47)

Бу сўздан *-лиг* кўшимчаси билан ясалган *фавокиҳлиг* «мевали», «фойдали» маъносида қўлланган: Ҳилм инсон вужудининг фавокиҳлиг боғидур. («МК», XIII-53)

4. **Асмор** – «мевалар, самара-натижалар»:... маонийси ийғон ашжори асморин таҳқиқ саҳоби амтори била шахди ноб этар. («ХМ», 707)

5. **Самар** – «мева, ҳосил»: Саҳоват инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. («М», XIII-50)

Бу сўз: 1) «натижа, фойда» маъносини ифодалаган: Шоҳеки курур анда ким кўрди самар ҳаргиз. («ХМ», Iа-184);

2) «наф, фойда, баҳра» маъносида қўлланган: Бўлса илик эгрилик ичра самар («ХА», 120-9);

3) «ноз-неъмат, ҳадя» маъносини ифодалаган: Неча самар сочмоғ эса шох иши («ХА», 105-10);

4) «фойда, наф» маъносини англатган: Оқибат бу навъ топтилар самар. («ЛТ», 154-5)

6. **Самара** – «мева, ҳосил»: Ва алардин сўнгра аларнинг ўрнида самараи шажараи таййибалари... Бухорий эрди.

7. **Бар** – «мева, ҳосил»:

Киши ханзал экса, аччиғ бар топар,

Ва гар найшакар экса, шақкар топар. («СИ», 285а18)

АНАТИЛда шу маънодаги бор сўзи алоҳида лугат мақола сифатида бошқа ўринда қайд этилган ва бу сўз иштирок этган қуйидаги байт мисол сифатида келтирилган.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқ. / «Халқ сўзи», 2019, 22 октябрь.

2. Абдуллаев Ф. Алишер Навоий асарлари тилида унли товушлар уйғунлиги масаласига доир. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1966, №5, 11-15-б.

3. Абдувалива Д.А. Алишер Навоий тарихий асарлари лексикаси. Филол. фан. фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент: 2017, 29-б.

4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати: 4 томлик. –Т.: «Фан», 1983-1985. Т. I. 782-б. Т. II 642-б. Т. III 622-б. Т. IV 636-б.

5. Шамсиев П., Иброҳимов С. Навоий асарлари лугати. –Тошкент: 1972. 782-б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 5 жилдди. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. I. 2006, 680-б., Т. II. 2007, 672-б., Т. III. 688 б.; 2008, IV–608 б., V–592 б.

Асарлар номланишидаги шартли қисқартмалар

1. «ЛТ» – Лисонут-тайр
2. «ЛМ» – Лайли ва Мажнун
3. «МЛ» – Муҳокаматул-луғатайн
4. «МН» – Мажолисус-нафоис
5. «МК» – Маҳбул-қулуб
6. «НМ» – Насойимул-муҳаббат.
7. «СИ» – Садди Искандарий
8. «СС» – Сабъаи сайёр
9. «Х» – Хамса
10. «ХМ» – Ҳазойинул-маоний.

Ғам гулшанида қаддим эрур ул яғочким,
Пайкону бори ҳажринг анинг баргу боридур. («», I, 214)

Аммо араб ёзувида бу сўздаги унли товуш забар билан ифодаланганини, иккинчидан, Алишер Навоий тилида тил орқа, очиг «О» унлиси бўлмаганини ҳисобга олганда, лугатда икки хил сўз сифатида кўрсатилган *бар* ва *бор* шакллари бир сўз (*бар*) бўлиб чиқади.[2]

Шоир асарларида учрайдиган *бебарлик* сўзининг (*беборлик* эмас) фонетик тузилиши ҳам бу фикримизни қувватлайди, у «мевасизлик, беҳосиллик» маъносидадир: Жаврдин бас анга бебарлик эрур сарв фани? (I, 249)

Демак, юқоридаги фикрларимиз натижасида қуйидаги хулосалар берилди:

1. Алишер Навоий асарлари тилидаги бир мавзуий гуруҳ сўзлари–фитонимларни ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки тилдаги сўзларни мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш сўз қўллаш тарихини мукамалроқ ёритишга, сўзларнинг тарихий-этимологик қиёфасини аниқлашга, сўзларнинг диакроник ўзгаришлари ва синхрон ҳолатдаги шаклини баҳолашга, ўрганилаётган тилга қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг лексика жиҳатидан таъсирини баҳолашга, сўзларнинг лексик-семантик, семантик-услубий хусусиятларини кенгроқ ёритишга имконият беради. Фитонимлар лисоний ва ботаник бирлик сифатида селекция, нав ва унинг хилини, қандай ўсимлик (сабзавот, полиз, резавор, донли экинларни, мевали ва манзарали дарахтлар)ни ифодалаш, пишиш вақти ва бошқа табиий белги-хусусиятларига кўра таснифланади.

2. Алишер Навоий асарларида дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзлар бир қанча бўлиб, улар ҳам бош (ўз) ва кўчма маъноларда қўлланган. Масалан, шоир асарларида «боғ» тушунчасини ифодалаш учун *боғ, боғча* («кичик боғ»), *равза, ҳадиқа, бўстон*; «ёғоч» тушунчаси учун *йиғоч, кунда, сандал, чўбдаст, хода, суруғ, дор* сўзлари ишга солинган. Албатта, улар «ёғоч» тушунчасининг турли маъно қирраларини ифодалаган.

3. Дарахтли ўсимликларга алоқадор бўлган сўзлар ичида *боғ, равза, сандал, барг* сўзлари турли-туман кўчма маъноларда қўлланганлиги билан ажралиб туради.

4. Навоий асарларида мавжуд бўлган дарахтли ўсимликларга алоқадор 30 дан ортиқ сўздан фақат 13 таси ҳозирги ўзбек тилида истеъмолдадир: *боғ, боғча, бўстон, йиғоч (ёғоч), хода, шох, суруғ, мева, барг, яфроғ (япроғ), тикан, пўст, пўчоқ (пўчоғ)*; қолган 17 сўз ишлатилмайди: *равза, ҳадиқа, сандал, чўбдаст («хас-са»), суруғ, дор («хода»), шоха, шохсор, фокиҳа, фавокиҳ, асмор, самар («мева»), самара («мева»), бар, варағ («барг»), реша, лиф.*

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Алишер Навоий асарларидаги «мева» сўзининг лексик хусусиятлари, семантик хусусиятлари, хозирги ўзбек тилидаги «мева» сўзи ўрнида қўлланилган сўзлар таҳлили, мевазор - боғ сўзининг қўлланилишига оид олиб борилган тадқиқотлар асосидаги хулосалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены лексические и семантические особенности слова «фрукт» в произведениях Алишера Навои, анализ слов, употребляемых вместо слова «фрукт» в современном узбекском языке, выводы на основе исследования употребления слова «сад».

SUMMARY

This article presents the lexical and semantic features of the word "fruit" in the works of Alisher Navoi, the analysis of words used instead of the word "fruit" in modern Uzbek, the conclusions based on research on the use of the word "garden".

Ádebiyattanıw

ВЫРАЖЕНИЕ ИДЕИ НАЦИОНАЛЬНОЙ НЕЗАВИСИМОСТИ
В ЭПОСЕ «ЕДИГЕ»

(на примере национальных версий тюркоязычных народов)

К.А.Алламбергенов - доктор филологических наук, профессор

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажизияза

Таянч сўзлар: Ер Едиге, «Едиге» достони, Алтын Орда ва Маверенахр даври, Амиру Темур, Тохтамыс.

Ключевые слова: Эр Едиге, эпос «Эдиге», период Алтын Орды и Маверенахра, Амиру Темур, Тохтамыс.

Key words: Er Edige, "Edige" epic, Altyn Orda and Maverenahr period, Amiru Temur, Tохtamys.

Ценность этого дастана, высокая степень художественности дает возможность поставить и оценить его наряду с лучшими образцами классического эпоса народов мира. Так как в нем особенный пафосом и художественным мастерством воспеваются идеи борьбы, которую совместно вели тюркоязычные народы, жившие в XIV-XV веках под властью Золотой Орды, против произвола монгольских захватчиков, за свободную и благоустроенную, самоуправляемую, независимую Родину, за создание единого тюркского государства.

Эпос «Едиге» широко распространен среди каракалпакского народа и испокон веков вызывает большой интерес и воспевается с особенной бережливостью и любовью.

Главные события, послужившие основой для сюжета эпоса, а именно: раздоры и распри между золотоордынским ханом Тохтамысом и повелителем Маверенахра Амиром Темуром, те сражения, которые вели Амир Темур и Едиге против Тохтамыса, поражение Тохтамыса в этих боях, тот факт, что Едиге с помощью Темура отделяет половину территории берегов Едила (Волги), где образует самостоятельный Мангитско-Ногайский улус и правит им с блеском, дальнейшие раздоры и распри между Едиге и Тохтамысом – все это бросается в глаза в качестве художественного отображения исторической действительности.

Типологическая однородность содержания мотивов национальных версий и характеристики образов их героев подтверждается и их соответствием исторической действительности, то есть примерами их исторической типологии. Например, содержание мотива рождения Едиге, того, что его предки являлись любимыми народом святыми людьми, воплощаются в большинстве национальных версий в близкой к исторической форме.

Вполне возможно, что ввиду того, что Едиге является выходцем из упомянутого рода Мангит и снискал популярность в качестве бия того же рода, ногайцы и каракалпаки признают его своим предком. Как указывают ногайские историки, Едиге признается предком ногайского народа, вождем мангитского рода, а сами ногайцы называют свое государственное образование Мангитской страной, а самих себя – мангитами. Едиге и его сыновья Казый, Нураддин считались первыми ханами той же Мангитской страны.

Большинство русских ученых, занимавшихся исследованием каракалпакской истории, говорят о том, что

ногайцы, в том числе и мангиты, тесно связаны с этногенезом каракалпаков.

Мотивы подрастания и возмужания Едиге, его участие в народной жизни, женитьбы, вырастания в справедливого правителя, мужественного батыра воплощаются в эпосе в фольклорном плане, силой крылатой фантазии, в форма художественного вымысла.

Следы подобной действительности можно обнаружить в мотиве государственной службы Едиге в качестве эмира (военачальника) во дворце Тохтамыса, которые соответствует исторической действительности. Например, Ибн Арабшах в книге «История Амира Темура» пишет, что Едиге являлся предводителем левого крыла Тохтамысова войска, а В.В.Бартольд в статье «Отец Едиге» упоминает о том, что Едиге сперва служил Тохтамысу, а затем Амиру Темуру.

Факты гармонического сочетания художественной и исторической действительности в эпосе ярко прослеживаются и в мотивах ссоры Едиге с Тохтамысом, из-за которой Едиге оказывается вынужденным покинуть родину и уехать в поисках убежища в страну Сатемира (Амира Темура).

Если рассмотреть в обобщенном виде истоки мотива ссоры между Едиге и Тохтамысом из всех версий, то эпос дает нам определенное представление о политикоморальных последствиях царствования Тохтамыса еще до столкновения с Амиром Темуром.

В татарской версии эпоса Шах Темир, обращаясь к Тохтамысу, говорит: «А ведь именно я вскормил (сделал человеком, ханом. – А.К.) тебя». Тохтамыс, действительно, в конце 70-х годов XIV века (в 1378 году) благодаря поддержке Амира Темура восходит на престол Сыгнака (Белой Орды). А до этого он подвергается преследованиям со стороны Орысхана, 1376 году прибывает в Самарканд, на прием к повелителю Маверенахра Амиру Темуру и находит у него убежище. В те времена Амир Темур, который настойчиво боролся за объединение отдельных регионов Средней Азии в единое централизованное государство, замыслил отвести рукой Тохтамыса ту угрозу, которая могла надвинуться на него со стороны ханов Золотой Орды. С этой целью он планировал захватить Отрар и Сауран, даже Сыгнак (сталицу Белой Орды) и передать их во владение Тохтамыса.

Как бы сильно не поддерживал своего подопечного хана, Тохтамысу было отнюдь нелегко вырвать эти го-